

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 39 (1218)

2019 йил 10 октябрь

Газета 1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR коддини телефонингиз орқали сканер қилинг



ТАДБИР

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Халқ банки 9 ойда 17 трлн. сўмдан ортиқ пенсия ва нафақа тарқатди

→ 3

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ



Экспорт ошиб, импорт қисқармоқда

→ 5

БАНК ФАОЛИЯТИДАН



Молиявий кўмак минглаб янги иш ўринлари яратилишига пойдевор бўлди

→ 6

ДУНЁГА НИГОҲ



Кичик бизнес учун сармоя муҳимми ё технология?!

→ 8

СОҲАГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАР



Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

→ 10-11

“ИПОТЕКА-БАНК”: ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА РИВОЖЛАНМОҚДА



Ҳукуратимиз томонидан тижорат банклари фаолиятини такомиллаштириш, банк хизматлари оммабоплигини оширишга доир бир қатор ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларда чакана хизматлар сифатини ошириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани банклари фаолиятини бир мунча жонланишига ҳисса қўшиб, аҳоли билан кенгроқ ишлаш имкониятини яратди.

Яқинда “Ипотека-банк” АТБнинг чакана банк хизматларини ривожлантиришга бағишланган матбуот анжуманида айнан шу мавзуда сўз юритилиб, банк томонидан чакана бизнесни ривожлантириш ҳамда келгусида режалаштирилаётган вазифалар хусусида таъкидлаб ўтилди. Унда банк раҳбарияти ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

(Давоми 3-саҳифада)

СУҒУРТА ХИЗМАТИ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Баъзан кўча-кўйда таниш-билишлардан кимнингдир касодга учраган, ногирон бўлган, табиий офатдан зарар кўрган ёки кўнгилсиз ҳодиса оқибатида вафот этганлиги ҳақидаги гап қулоққа чалинади. Бундай ижтимоий муаммоларда зарарни қоплашнинг молиявий томони билан боғлиқ қийинчиликлар бугун жамиятимиздаги муҳим масалалардан биридир.



(Давоми 4-саҳифада)

“S&P GLOBAL RATINGS” РЕЙТИНГ АГЕНТЛИГИ “ҲАМКОРБАНК” АТБ РЕЙТИНГЛАРИНИ ЯНГИЛАДИ

S&P Global Ratings

S&P Global Ratings халқаро рейтинг агентлиги “Ҳамкорбанк” АТБ хорижий ва миллий валютадаги банк депозитлари рейтингларини “В+” даражасида белгилади, базавий кредит рейтинги эса “b1” даражасида. Рейтинглари буйича прогноз - “Ижобий”.

“Ижобий” прогноз Банк активлари сифатининг доимий яхшиланиши, рентабелликнинг ўсиши ва капиталнинг етарлилик кўрсаткичларининг барқарорлиги билан изоҳланади.

finance.uz


“РИСККА АСОСЛАНГАН БАНК НАЗОРАТИ” МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Бугунги кунда, банк назоратини амалга оширишда рискка асосланган ёндашувларнинг қўлланилиши кўплаб мамлакатларда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилишнинг устувор йўналишига айланди.

Осиё тараққиёт банкнинг техник кўмаги доирасида, жорий йилнинг 5 октябрь куни халқаро эксперт Г.Гегенхаймер иштирокида Марказий банкнинг банк назорати функциясини амалга оширувчи таркибий бўлинмалари ходимлари учун “Рискка асосланган банк назорати” мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Мазкур семинар-тренингда банклар фаолиятидаги асосий рисклар (кредит rischi, ликвидлик rischi, операцион риск, бозор (жумладан, фоиз, валюта, нарх-наво) rischi, мамлакат rischi, мувофиқлик rischi ва обрў-этибор rischi) тўғрисида, шунингдек, банк тизимини назорат қилишдаги асосий иккита: “қоидаларга асосланган назорат” ҳамда “рискка асосланган назорат” ёндашувлари тўғрисида умумий тушунчалар, уларнинг фарқлари, устун ва камчилик томонларига батафсил тўхталиб ўтилди.

Семинар-тренингда бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ҳамда амалиёти кенг



муҳокама қилинди. Бунда, рискка асосланган банк назоратини амалга оширилиши:

– банкнинг бугунги кундаги мавжуд ва келгусида юзага келадиган рискларга нисбатан барқарорлигини баҳолаш;

– банк фаолияти давомида назорат қилувчи орган томонидан ўрнатилган талабларнинг бажариш имкониятларини стресс-тестлар орқали баҳолаб бориш;

– муаммоларнинг дастлабки белгилари намоеён бўлиши биланоқ уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш каби имкониятлар яратлади.

cbu.uz

ЎХАМКОРЛИК

“ТРАСТБАНК” ВА MONEYGRAM ВАКИЛЛАРИ УЧРАШУВИ

Жорий йилнинг 4 октябрь куни “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида Банк Бошқаруви раисининг ўринбосари Зиёвуддин Курганов, Чакана бизнес департаменти директори Назиржон Хайиталиев ва “MoneyGram” халқаро пул ўтказмалари тизими вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.



“Трастбанк” ва “MoneyGram” ўртасида ўзаро учрашув янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имконини бериш билан бирга, банк томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўсишига ёрдам беради.

Учрашув давомида Ўзбекистонда молия ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган ислохотларнинг аҳамияти, шунингдек, ушбу ислохотларни жамият учун самарали амалга ошириш ва шериклик истиқболлари муҳокама қилинди. Ҳамкорлик даражасини юқори баҳолаган меҳмонлар узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка ишонч билдирдилар.

Ушбу ҳамкорликнинг мақсади пул ўтказмаси тизимида янги банк хизматларини жорий қилиш ва мавжуд хизматларни такомиллаштиришдан иборат.

“ASIA ALLIANCE BANK” ҲАМКОРЛАРИ ОРТМОҚДА

Кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари бизнес юритиш учун қулай шартшароитлар яратиш мақсадида хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб бормоқда. Бу унинг инвестицион фаолликни оширишда, вакиллик муносабатларини ўрнатишда, кредит линиялари ва савдонли молиялаштиришга оид линияларни жалб қилишда ўз ифодасини топмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, вакиллик муносабатларини ўрнатишда, банк ҳамкорларнинг ишончлилигининг халқаро рейтингига, ўз мижозларининг манфаатларига, халқаро ҳисоб-китобларнинг сифати ва тезлигига катта эътибор беради.

2019 йил сентябр ойининг охирида “ASIA ALLIANCE BANK” “АҚШнинг етакчи банкларидан бири ҳисобланган “Bank of New York Mellon” би-

лан АҚШ долларидида корреспондент ҳисоб очиб тўғрисида келишувга эришди ва битим имзолади. Таъкидлаш жоизки, Bank of New York Mellon учун Ўзбекистон банклари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш 90-йилларнинг охиридан буюн биринчи марта амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Лондонда бўлиб ўтган SIBOS 2019 конференцияси ва ўтказилган музокаралар доирасида банклар ўртасида савдонли молиялаштириш ва газначилик операциялари соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишувга эришилди. Дунёнинг етакчи банки билан ҳамкорлик тўғрисида эришилган келишувлар халқаро ҳисоб-китоблар соҳасидаги фаолиятни кенгайтиришга, халқаро пул ўтказмалари хизматларини ривожлантиришга, шунингдек, банкнинг халқаро мақомини мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

АҚШ долларидида тўғридан-тўғри корреспондент ҳисобнинг мавжудлиги банк мижозларига қисқа вақт ичида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга, шунингдек, учинчи банкларнинг комиссия тўловларидан бутунлай озод бўлиб, тўлов харажатларини камайтиришга имконият яратди.

finance.uz

БИРЖА ХАБАРЛАРИ

Жорий йилнинг 30 сентябрь – 6 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасида 674,8 млрд. сўмлик битимлар тузилди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузилган битимларнинг умумий ҳажми 310,6 млрд. сўмни ташкил этди.

ЭКСПОРТ СОТУВЛАРИ ҲАЖМИ ЎСДИ

Шу жумладан, биржа савдоларининг ҳажми аввалги ҳафтага нисбатан 34% га камайиб, 571,9 млрд. сўмни ташкил этди. Экспорт сотувларини ҳажми эса аксинча 4,5 бараварга ошиб, 1,8 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Экспортнинг таркибидида полиэтиленнинг улуши – 69%, пиролиз газолининг улуши – 28%, ва саноат мойи улуши – 3% ни эгаллашди.

Кўргазма-ярмарка савдоларининг ҳафталик ҳажми 15,5 млрд. сўмдан ошди. Кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилган харидлар қарийб 1,0 млрд. сўм бўлди.

Ўтган ҳафтада давлат харидлари бўйича харид.uz махсус ахборот порталида тузилган битимларнинг ҳажми 85,0 млрд. сўмни ташкил этди. Бюджет ва корпоратив буюртмачиларнинг пул маблағини тежалиши 18,2 млрд. сўмлиги аниқланди.

Кўриб чиқилаётган давр мобайнида он-лайн аукцион орқали 626 та автомобиль рақамлари сотилди. Сотилган давлат рақам белгиларининг умумий суммаси 2,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Рақобатли савдолар натижасида битимларнинг 20,0% биринчи тоифадаги авторақамларга 49,7% иккинчи ва 30,4% учинчи тоифа авторақамларга тегишлидир.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ НАРХИ ПАСАЙМОҚДА

Биржанинг суюлтирилган газ бозоридида нархларнинг пасайиш ҳолатлари кузатилаётган. Хусусан, 2019 йилнинг июль-сентябрь ойларида суюлтирилган газнинг биржа котировкаси 22,1% га, яъни маҳсулотнинг бир тоннаси учун 4443,0 минг сўмдан 3460,3 минг сўмгача пасайди. Бу ҳақда биржа Матбуот хизмати маълум қилган.

Нархнинг пасайиш тенденцияси куз-қиш мавсумининг бошланиши ва суюлтирилган газнинг биржа савдоларига қўйилиш ҳажмлари ошиши билан боғлиқдир. Мисол учун, сўнгги уч ой мобайнида биржа савдолари орқали суюлтирилган газни сотиш ҳажми 49,8% га ошди.

Умуман олганда, 2019 йилнинг 9 ойи давомида “ЎзРТХБ” АЖда биржа савдолари орқали 175,1 минг тонна суюлтирилган газ сотилди, бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 33% га камдир. Газнинг сотувида етакчилликни LUKOIL Overseas Supply and Trading Ltd - 52,9%, “Шўртаннефтгаз” МЧЖ – 13,4% ва “MUBORAK GAZNI QAYTA ISHLASH ZAVODI” МЧЖ – 12,2% улушлар билан эгаллашди.

Суюлтирилган газнинг сотиб олиш бўйича таркибий тузилмасида асосий харидорлар Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг автотомобилларга газ қуйиш станциялари (АГҚС) эгалари бўлиб, уларнинг умумий улуши 71,7% дан ошди. Шу жумладан, Самарқанд вилоятининг улуши 36,2% ни ташкил этди.

“ИПОТЕКА-БАНК”:

ЧАКАНА ХИЗМАТЛАР ЯНГИ БОСҚИЧДА РИВОЖЛАНМОҚДА



(Бошланиши 1-саҳифада)

Тадбирда дастлаб, банк Бошқаруви раиси ўринбосари Жаҳонгир Фаязов сўз олиб, банк томонидан аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

– “Ипотека-банк” банк хизматлари сифатини ошириш, янги хизматларни жорий қилиш ва содда-лаштириш, уларнинг оммабоплигини ошириш мақсадида банк ўз фаолиятини тубдан таҳлил қилган ҳолда, Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда трансформация жараёнини бошлаб юборди, – дейди Ж.Фаязов. – Бунда банкнинг инфратузилмасида ўзгаришлар кутилиб, янги департамент ва бўлимлар ташкил этишади. Хусусан, банкнинг 39 та филиали, 131 та мини банки, 493 та жамғарма ва коммунал кассалари ҳамда 74 та валюта айирбошлаш ва 34 та 24/7 шаҳобчалар аҳолига кенг қўламдаги банк хизматлари кўрсатиб келаётган бўлса, айни кунда аҳоли гавжму худудларда бир қатор банк хизматлари марказлари очилмоқда.

Шунингдек, тадбир давомида пластик карталарни кенг амалиётга жорий этиш бўйича ҳам сўз борди.

– Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни кенгайтириш мақсадида жорий йилнинг 9 ойида 300 мингта пластик карталар муомалага чиқарилди, –

дейди Чакана хизматлар департаменти директори Дилшод Қутлиев. – 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, жами муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 1 млн. 748 мингтага етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 352 мингтага ёки 25,3 фоизга кўп деганидир. Шу билан бирга “Ипотека-банк” томонидан жорий йил бошидан қўшимча 5 мингдан зиёд терминал ускуналари ўрнатилиб, жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига уларнинг сони 32 637 донага етди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида эса жорий йилнинг 9 ойида банк томонидан қўшимча 135 та банккомат ускуналари харид қилиниб, уларнинг сони 215 тани, инфокиосклар сони эса 104 тани ташкил этди. Мазкур ускуналар ижтимоий аҳамиятга эга объектлар ва аҳоли гавжму худудларга жойлаштирилди. Йил охирига қадар эса, банк томонидан қўшимча 180 та банккомат ўрнатилиши режалаштирилган.

Қолаверса, банк томонидан он-лайн хизматлар кўламининг кенгайтириш бўйича ҳам тегишли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, мобил илова орқали кенг хизматлар ҳам жорий этилган бўлиб, у орқали QR code орқали тўлов ўтказиш, омонатларни электрон жойлаштириш, кредитларни тўлаш имкониятлари яратилган. Яқинда бунга “Он-лайн

микро қарз” хизмати ҳам қўшилди. Унга кўра, банк миждози банк муассасасига келмасдан, яъни масофавий хизматдан фойдаланган ҳолда банкдан микроқарз олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу кредит суммаси 7,5 миллион сўмни ташкил қилиб, бир йил муддатга берилади.

Шунингдек, касса хизматлари кўламини кенгайтириш ва омма-лаштириш мақсадида банк томонидан пойтахтимизнинг “Миробод” ва “Меҳнат” мини-филиаллари ташкил этилиб, уларда турли коммунал тўловлар, халқаро пул ўтказмалари, кредит ва омонатларни расмийлаштириш каби хизматлар амалга оширилмоқда. Улар суткада 15 соатлик иш режимида фаолият кўрсатмоқда.

Банк томонидан аҳолининг бўш турган пул-маблағларидан фойдаланиш, уларни ҳаракатга келтириб, унумли фойдаланишлари учун қатор омонат турлари жорий этилаётганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Жумладан, жорий йил ҳам қатор янги омонат турлари яратилди. Улардан “Чорак” омонат тури 3 ва 6 ой муддатга 18 фоизли доромадли бўлса, “Элегант” омонат тури эса, 12 ойга мўлжалланган бўлиб, йиллик 20 фоиз фойда беради.

“Ипотека-банк” омонатларининг қулайлиги, уларнинг он-лайн тизимида расмийлаштириш, фоизларни

олиш ёки сўндириш хизматларини масофадан туриб бошқариш имкониятининг мавжудлигидадир. Бунга қўшимча тарзда банк томонидан хорижда таълим олаётган ёки саёҳат қилаётган фуқароларимизга халқаро пластик карталарига он-лайн тизимида пул ўтказмалари амалга оширилмоқда. Шунингдек, банк пластик карталарини янгилаш, ёпиш каби хизматлар ҳам он-лайн тизимида амалга оширилмоқда.

– Илғор жаҳон банклари тажрибасини ўрганган ҳолда “Ипотека-банк” янги банк маҳсулотларини амалиётга жорий этмоқда. Булардан жисмоний шахсларга мўлжалланган “Бир зумда” кредити ортиқча расмиятчиликлардан холи, фақат фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспорти ёрдамида расмийлаштирган ҳолатда бир йил муддатга берилмоқда, – дейди Чакана хизматлар ва маркетинг бўлими бошлиғи Фарҳод Иноятов. – Бундан ташқари турли хил масофавий хизматлар жорий қилинган, булар аҳолининг оғирини энгил қилиб, уларни кўп овозгарчиликлардан халос этади.

Тадбир сўнггида банк томонидан миждозларга яратилаётган шу каби янги хизматлар ҳақида сўз юритилиб, банк мутасаддилари журналистларнинг барча қизиқтирган саволларига батафсил жавоб беришди.

Умида Худойберганова.

ХАЛҚ БАНКИ 9 ОЙДА 17 ТРЛН. СЎМДАН ОРТИҚ ПЕНСИЯ ВА НАФАҚА ТАРҚАТДИ

Халқ банки томонидан пенсия ва нафақа тўловларини тарқатиш бўйича дислокация (махсус жойлар) ва тарқатиш кунлари бўйича графиклар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 17 трлн. 053,1 млрд. сўм пенсия маблағлари тарқатилди.

Республиканинг туман ва шаҳарларидаги 9 мингта яқин маҳалла, овул фуқаролар йиғинларида белгиланган жадвалга мувофиқ бир ойда ўртача жами 3,0 млн.дан ортиқ пенсионерларга 2,0 трлн. сўмдан ортиқ пенсия ва нафақа маблағлари ҳар ойнинг 27-санасига қадар тарқатиб келинмоқда.

Бундан ташқари, I-II гуруҳ ногиронлар ва мустақил ҳаракатланиш имкониятига

эга бўлмаган 700 мингта яқин фуқароларга 484,2 млрд. сўм миқдорида пенсия ва нафақа тўловлари ҳар ойнинг бошларида бевосита улар яшайдиган жойларига етказиб берилмоқда.

Халқ банкининг 189 та филиалида пенсия ва нафақа пуллари тарқатиш бўйича жами 2 000 тага яқин сайёр касса ташкил қилиниб, 4 000 та кассир ва бухгалтер назоратчи штат бирликлари очилди ҳамда ходимлар

ишга қабул қилинди.

Шунингдек, банк томонидан 590 та “Дамас” ва 11 та “УАЗ-Хантер” автомобиллари сотиб олинди, филиал эҳтиёжларига қараб худудларга етказилди. “УАЗ-Хантер” автомашинаси тоғли ва чўл зоналари учун берилган.

Барча автомобилларни масофадан кузатиб туриш учун “GPS” автоқурилмалари ўрнатилган.

Ҳар бир сайёр касса бух-



галтер-назоратчи ходимлари 2 000 та планшет қурилмалари билан ҳам таъминланди.

Ушбу планшет қурилмаларидан фойдаланиш биринчи навбатда пенсия ва нафақа тўловларини “он-лайн” режимида ҳисобини юритиш, тўлов қайдномаларидан пенсионерларни тезроқ излаб то-

пиш имконини яратмоқда. Фуқароларга пенсия маблағлари тарқатилиши жараёнида юзага келадиган муаммо ва тушунмовчиликларни ўз вақтида бартараф этиш ҳамда тушунтиришлар бериш учун Халқ банкида қисқа рақамли “11-06” ишонч телефони жорий қилинган.

Сарвар ОЧИЛОВ

СУҒУРТА ХИЗМАТИ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

(Бошланиши 1-саҳифада)



Молиявий хизматлар ичида энг оммалашгани ва ишончлиси суғурта ҳисобланади. Бу тизим айнан кундалик турмушда учрайдиган турли молиявий кўнгилсизликларда аҳолига ёрдам беради. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда одамлар суғурта хизматларидан кенг фойдаланади. Боиси, суғурта соғлиқ, бизнес ва мулкнинг турли хатардан ҳимоялаш ва зарарни камайтиришнинг муҳим омилдир. Бироқ мамлакатимизда суғурта хизматларига аҳолининг қизиқиши талаб даражасида эмас. Буни кўпчилик суғурта ташкилотларига ишончсизлик билан боғлайди.

Аслида суғурта хизматларига ишонмаслик учун асос йўқ. Хусусан, жорий йил Тошкент вилоятидаги Ангрен кўмир саноати қасб-хунарида директори ўринбосари С.А. йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида вафот этган эди. “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан бу бўйича қарийб 379 миллион сўм суғурта товони тўлаб берилди. Мазкур тўлов “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш” шартномасига кўра амалга оширилди. Ушбу маблағдан оила аъзолари ва унинг қарамоғида бўлган шахслар фойдаланиши мумкин.

Бундан ташқари, Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида яшовчи фуқаро Сурайё Ибадуллаевнинг яшаш уйида ёнғин келиб чиқди. Оқибатда унинг мол-мулкига 16 миллион сўмдан ортиқ етказилган зарар жамият томонидан қопланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидан фуқаро Музаффар Сиддиқовга “Ипотека кредитларини комплекс суғурта қилиш” шартномасига кўра, яшаш уйининг табиий офат натижасида зар-

рланган қисми ҳисобланиб, унга ҳам қарийб 19 миллион сўм тўланди.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида қарийб 10,5 минг нафар жисмоний ва юридик шахслар билан суғурта ҳодисаси содир бўлди. Бу бўйича “Ўзагросуғурта” акциядорлик жамияти томонидан 30 миллиард 295 миллион сўмдан ортиқ суғурта товонлари тўланди.

Бироқ, Ўзбекистонда суғурта хизматларидан фойдаланиш ҳажми мақташга арзиғулик эмас. Гўё ижтимоий ҳаётдаги турли хатарлар бизни четлаб ўтиши кафолатлангандек осонгина уйга келган суғурта агентларига эшик қаердалигини кўрсатиб қўямиз. Демак, аҳоли ўртасида суғурта маданияти ушбу молиявий хизмат бўйича билимлар етарли эмас. Яъни аҳолида суғурта, унинг шартлари, шартнома тузиш тартиби тўғрисида бирламчи тасаввур йўқ. Бу эса турли тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани аниқ ҳақиқат.

Хулоса шуки, суғурта бу хотиржамлик гарови. Зеро, ҳар қандай ишончли дўст ҳам бошга ташвиш тушганда sinalади. Дўст панд бериши мумкин, лекин суғурта ташкилоти оғир вазиятларда бировнинг қўлига қараб қолмаслигинизга аниқ кафолат беради. Суғурта бировга муаммо билан мурожаат қилмасликка, муаммоларингизни ўзингиз ҳал қилишингизга ўргатади. Шундай экан, сиз бошқалар билан дўстлик ва бошқа оилавий муносабатларингиз барқарор бўлишида суғурта хизматлари ҳақида кўпроқ билишингиз мақсадга мувофиқ.

Шухрат ҚОБИЛОВ,
“Ўзагросуғурта” АЖ,
Ахборот хизмати менежери.

Бухорода вилоят давлат солиқ идоралари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармалари ходимлари билан биргаликда норасмий иш юритаётган ишчилар фаолиятини қонунийлаштиришга қаратилган тадбирлар давом этмоқда.

“КОНВЕРТ” УСУЛИДА ҲАҚ ОЛГАНЛАР ФАОЛИЯТИ ҚОНУНИЙЛАШТИРИЛДИ

Таъкидлаш лозимки, ҳамкорликда ўтказилаётган бундай тадбирлардан кўзланган асосий мақсад жойларда учраб турган солиқ қонунчилиги бузилишларининг олдини олиш, солиқдан қочиб ҳолатларига барҳам бериш ва конверт усулида иш ҳақи олаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклашга қаратилган.

Легализация ишлари камерал назорат ҳамда хронометраж усулларида олиб борилмоқда.

Бугунги кунга қадар вилоятдаги 12 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларда 40 628 та ходимлар фао-

лиятини легаллаштиришга эришилди.

Соҳалар бўйича кўрадиган бўлсак, бу кўрсаткич йил бошидан савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида 10 501 та, ишлаб чиқариш корхоналарида 10 473 та, қурилиш корхоналарида 7 894 та ҳамда қишлоқ хўжалиги корхоналарида 11 755 тани ташкил этади.

Тақдим қилинган маълумотларга кўра, жорий йил якунига қадар ушбу рақамни 55 минггага етказиш режалаштирилган.

Бу ҳақда Бухоро вилоят ҳокимиятининг расмий вебсайти маълум қилган.

9 ОЙДА 25 МЛРД. СЎМ СУҒУРТА ҚОПЛАМАСИ ТЎЛАНДИ

Миллий суғурта бозоридаги кучли рақобат шароитида мижозларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зиён етганида суғурта ҳодисасини тез фурсатда ўрганиб, зарарни қоплаш “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ нинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Бунинг учун компанияда 24 соат ишловчи диспетчерлик хизмати ҳамда суғурта ҳодисалари юз берганда пойтахт ҳудудида воқеа жойига етиб бориб, зарур ёрдамни кўрсатувчи “My assist” ассистанс хизмати фаолият кўрсатмоқда.

2019 йил 1 октябрь ҳолатига компания томонидан 5570 та суғурта даъволари кўриб чиқилиб, 24,7 млрд. сўм суғурта қопламалари амалга оширилган. Буларнинг асосий қисми, яъни 17,4 млрд. сўмлик мажбурий суғурта турлари бўйича келиб тушган суғурта даъволарига тўғри келмоқда. Шунингдек, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича жорий йилнинг 9 ойи давомида 6,1 млрд. сўм суғурта қопламаси тўланган.

Иш берувчининг фуқаролик жавоб-

гарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича эса, жорий йил 1 октябрь ҳолатига 11,2 млрд. сўм суғурта қопламалари амалга оширилган.

Ихтиёрий суғурта турлари бўйича компанияда жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 4,7 млрд. сўм суғурта қопламалари тўланган. Шундан юридик шахслар мулкни ихтиёрий суғурталаш тури бўйича – 1,7 млрд. сўм, ихтиёрий тиббий суғурта тури бўйича – 1,2 млрд. сўм ҳамда бошқа ихтиёрий суғурта турлари бўйича суғурта қопламалари амалга оширилган.

Ушбу рақамлар шуни кўрсатмоқдаки, суғурта ҳодисаси юз берганда, компания ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини вақтида ва сифатли бажаришга ҳамда аҳоли ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда.

finance.uz

ЭЪЛОН

«Микрокредитбанк» АТБ банк филиаллари иш фаолияти учун 44 та компьютер жамланмаси харид қилиш бўйича танлов эълон қилади.


Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб, 5 (беш) иш куни ичида қабул қилинади.

Техник топшириқ ва керакли ҳужжатларни куйидаги манзилдан олишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 14-уй.
Мурожаат учун телефон: (+99871) 202-99-99 ички - 1117.

Хизматлар лицензияланган.

ЭКСПОРТ ОШИБ, ИМПОРТ ҚИСҚАРМОҚДА



Шу кунларда юртимизнинг қай бир ҳудудига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Бу эса ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талабнинг ортисига, уларнинг таннархи ва импорتنинг ҳам ўсишига таъсир этмасдан қолмайди.

Президентимизнинг жорий йил 20 февралдаги "Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги муаммоларни ҳал этишдаги муҳим қарор бўлди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг ташкил этилиши соҳа ривожига ўзига хос аҳамият касб этди. Чунки, уюшма ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган бўлса-да қисқа фурсатда самарали натижаларга эришди.

Хусусан, "Ўзсаноатқурилиш материаллари" уюшмаси таркибига кирувчи 300 дан ортиқ корхоналар томонидан жорий йилнинг январь-август ойларида 3 трлн. сўмлик қурилиш материаллари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,3 фоизга кўп деганидир. Бунда цемент ишлаб чиқариш 107 фоизни, керамика плитка 131, гипсокартон 145, қурилиш ойнаси бўйича 101 фоизни ва гулқоғоз (обой) бўйича ишлаб чиқариш етти баробарга ортган.

Натижада, ушбу даврда соҳа бўйича жами 115 млн. АҚШ долларлик экспорт амалга оширилган бўлиб, уюшма таркибига кирувчи корхоналар томонидан керамика плиткалар, гипсокартон, гулқоғоз (обой), ПВХ профиль, табиий тошдан ясалган пардозбоп плиталар, оҳак ва каби 42, млн. АҚШ долларлик маҳсулотлар экспорт қилинган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга кўпдир.


Уюшма томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тури ва ҳажмини ошириш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинаётир. Хусусан, тармоқ корхоналари томонидан ишлаб чиқарилиши маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар 207 млрд. сўмни ташкил этади.

Рақамларни маҳсулотлар кўринишида таҳлил қиладиган бўлсак, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўртача маҳаллийлаштириш даражаси қурилиш ойнаси бўйича 90 фоиз, пардозбоп керамика плиталар бўйича 71 фоиз, графитдан тайёрланган материаллар бўйича 70 фоиз, капролондан тайёрланган материаллар бўйича 55 фоиз, сантехкерамика бўйича 46 фоиз, базальт толаси бўйича 40 фоиз, гулқоғоз (обой) бўйича 38 фоиз, композит арматура бўйича 37 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат кооперацияси ҳисобига 18,7 млн. АҚШ доллар миқдорига маҳсулотлар импортини қисқартиришга эришилди. Хусусан, оловбардош (огнеупор) ғишт бўйича

4,5 млн. АҚШ доллари, қора металл бўйича 5,9 млн. АҚШ доллари, полипропилен қоплар бўйича 1,8 млн. АҚШ доллари ва оҳак бўйича 3,3 млн. АҚШ долларлик импорт қисқартирилди.

Шу билан бирга қурилиш материаллари саноати соҳасида истиқболли лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш мақсадида "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва маҳаллий ҳокимликлар билан ташкил этилган ишчи гуруҳлар томонидан умумий қиймати 6,6 трлн. сўмлик 166 та импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳалари шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун жами 500,7 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратилиши белгиланди. Бугунги кунга қадар 10 та лойиҳа бўйича 68,8 млн. АҚШ долларлик кредит маблағлари ажратилди. Айна кунда мазкур лойиҳаларни ишга тушириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.



Бугун ҳеч бир соҳа йўқки, хорижий инвестициялар жалб қилинмаган бўлса. Албатта, инвестициялар иқтисодий тараққиётнинг муҳим асоси ҳисобланади. Шу боис, уюшма томонидан инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш борасида сезиларли ишлар қилинмоқда.

Президентимизнинг Россия Федерацияси, Хитой, Туркия, Германия, Франция, Ҳиндистон ва Жанубий Кореяга давлат ташрифи доирасида 2017-2023 йилларда замонавий импорт ўрнини босувчи қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун чет эл инвестицияларни жалб қилиш мақсадида илғор хорижий компаниялар билан умумий қиймати 2 295 млн. АҚШ долларлик 44 та Меморандум ва Келишувлар имзоланди.

Унга кўра, бугунги кунга келиб умумий қиймати 94,4 млн. АҚШ доллари-

лик 11 та лойиҳа ишга туширилди. Шундан 4 таси – 2019 йил якунига қадар, 13 таси – 2020 йилда, 4 таси – 2021 йилда ишга туширилиши белгиланган.

Айна кунда барча лойиҳалар бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, йirik лойиҳалар сирасига "Кварц" АЖДа ойна ишлаб чиқариш, "Ран тонг металл индустри" корхонасида арматура, "Оҳангаронцемент" АЖДа ("Евроцементгруп") цемент ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш кабилар кирди.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида импорт ўрнини босувчи экспортга йўналтирилган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи янги қувватлар ишга туширилди. Жумладан, архитектура-қурилиш ойнаси, "сэндвич" панеллар, гулқоғоз, гранит ва мрамардан ишланган буюмлар, цемент, сантехкерамика буюмлардир.

Шунингдек, жорий йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва бунда 239,9 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган. Хусусан, Сурхондарё вилоятида "Сурхан КСП Гранд" МЧЖ корхонасида қамиш асосида йилга 150,0 минг куб метр ДСП ишлаб чиқаришни ташкил этиш, "Кварц" АЖДа йилга 22,2 млн.кв метр ойна ишлаб чиқариш, "Самарқанд Афросиёб цемент" МЧЖда йилга 561,0 минг тонна юқори маркали ва махсус турдаги цемент ишлаб чиқариш, "Оҳангаронцемент" АЖДа йилга 2,4 млн.тонна цемент ишлаб чиқариш заводини ташкил этиш, "Қизилқумцемент" АЖДа йилга 1,8 млн.тонна цемент клинкери (4-технологик линия) ишлаб чиқаришни ташкил этиш, у ерда йилга 500,0 минг.тонна клинкерни майдалаш тегирмонини (8 цемент тегирмони) куриш, "Бекободцемент" АЖДа йилга 1,0 млн.тонна цемент ишлаб чиқариш тегирмонини куриш каби бир қатор лойиҳаларни киритиш мумкин.


Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, жорий йилнинг I-ярим йил якунлари бўйича жами 118,7 млн. АҚШ доллари миқдорига инвестициялар ўзлаштирилиб, белгиланган прогнозни 144,0 фоизга бажарилиши таъминланди.

Шунингдек, жорий йилда Тошкент вилоятида "ЕМГ" МЧЖ корхонасида йилга 2,1 млн.кв метр керамогранит, Сирдарё вилоятида "Грет Вал Стар" МЧЖда йилга 30,0 минг куб метр МДФ плиталари ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилгани ҳам катта ютуқларимиздан бири бўлди.

Ботир ЗАРИПОВ
"Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси Бошқаруви раиси

Эндиликда Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат желатини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида жойлашган "МММ Amin Bio" МЧЖ илк желатин корхонасидир. У йилга 1.5 минг тонна желатин ва коллаген маҳсулотларини ишлаб чиқаради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мазкур маҳсулотлар фармацевтика саноати учун импорт қилинади. Бу ҳақда "Ўзчармсаноат" уюшмаси расмий сайти маълум қилган.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ЖЕЛАТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 14 млн. АҚШ доллари миқдорига сармоя киритилди. Корхонанинг йиллик экспорт ҳажми 5 млн. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Лойиҳа амалга оширилиши билан 50 та янги иш ўрни яратилади. Завод жорий йилнинг охирига қадар ўз ишини бошлади.

Желатин жониворларнинг аминокислотага бой оқсилдан олинади. Асосан озиқ-овқат саноатида қўлланилади. Шунингдек тўқимачилик, тиббиёт ва ҳаттоки матбаа соҳаларида ҳам кенг фойдаланилади. Дори воситалари (капсулалар) тайёрлашда ишлатилади. Тайёр желатин ишлаб чиқариш мураккаб жараён бўлиб, хомашёни қайта ишлаш ва тозалашга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Бугунги кунда дунёда желатинга бўлган талаб ортиб, йилга 200-300 минг тоннани ташкил этмоқда. Шунингдек озиқ-овқат желатинига бўлган талаб 45-50 фоиздир.



“ТУРОНБАНК”НИНГ ИККИТА “БАНК ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ” ИШГА ТУШДИ

“Турон-банк” АТБ молия хизматлари бозорида доимий ривожланиб, барқарор молия муассасаси сифатида ўз обрў-эътиборини тобора муσταҳкамлаб бормоқда.



Бу борада банк томонидан мижозлар учун янги, замонавий банк хизматларини таклиф этиш ва уларнинг сифатини яхшилаш йўлидаги доимий изланишлари муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 23 июль кунини кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалала-

рига бағишланган видеоселектор йиғилишида тижорат банкларининг жойлардаги 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар ўрнига 10-15 нафар штатдан иборат ихчам “Банк хизматлари марказ”ларини кўпайтириш лозимлиги ҳақида алоҳида таъкидланган эди.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш борасида барча тижорат банк-

лари сингари “Туронбанк” АТБ томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, банк хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида яқинда пойтахтимизнинг Яшнобод туманида “Яшнобод” ҳамда Шайхонтоҳур туманида “Шайхонтоҳур” банк хизматлари маркази ишга туширилди.

Ушбу марказлар шу ҳудуд аҳолиси учун қулай бўлган манзилда бунёд этилган бўлиб, замонавий мебеллар ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган. Унда юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли банк ва консалтинг хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Хусусан, жисмоний шахслар учун микроқарз, овердрафт ва бошқа кредитларни расмийлаштириш, пластик карточка ва ҳисобрақам очиш, омонатни расмийлаштириш, барча турдаги тўловлар ҳамда халқаро пул ўтказмаларини амалга

ошириш, валюта айирбошлаш имконияти яратилган.

– Марказимизнинг аҳоли гавжум ҳудудда жойлашганлиги биз учун ҳам, маҳаллий фуқаролар учун ҳам қулайлик туғдиради. Банк учун мижозлар билан яқинроқ бўлиш ва кенгрок хизмат кўрсатиш, аҳоли учун эса марказ орқали барча банк хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Бундан икки томон ҳам манфаатдордир. Айни дамда марказларимиз кунига 200 нафардан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Қолаверса, банкомат ва автоматлаштирилган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи киоскалар ҳам доимий равишда эл хизматида, – дейди “Туронбанк” АТБ Шайхонтоҳур банк хизматлари маркази бошлиғи Комилжон Умаров.

Қайд этиш жоизки, “Туронбанк” АТБ томонидан босқичма-босқич бундай марказлар барча ҳудудларда ташкил этилиши режалаштирилган.


ЛОЙИҲА

МОЛИЯВИЙ КЎМАК МИНГЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛИШИГА ПОЙДЕВОР БЎЛДИ

Мамлакатимизда амалга ошириладиган фаол инвестиция сиёсати ҳам маҳаллий, ҳам хорижлик ишбилармонларга бирдек имконият яратмоқда. Хусусан, солиқ ва божхона тизимининг тартибга солиниши, бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилгани шулар жумласидандир. Айниқса, молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредитларнинг миқдори ва салмоғи кундан-кунга ошиб бораётгани янги ва самарали инвест лойиҳаларнинг ҳаётга тадбиқ этилишида муносиб туртки бўляпти.

Йигирма йилдан ошроқ вақтдан буён молия соҳасида муваффақиятли меҳнат қилаётган “Туронбанк” АТБ эса, чет эллик сармоядорлар билан манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишда локомотив ҳисобланмоқда. Хусусан, молия муассасаси янги санаот корхоналарини ташкил этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича Ҳукумат томонидан белгилаб бериладиган дастурларни ўз вақтида, энг асосийси сифатли бажармоқда.

Бунга мисол сифатида замонавий технологиялар билан жиҳозланган Марказий Осиёда “Peng Sheng” Ўзбекистон – Хитой кўшма корхонасини келтиришимиз мумкин. Уй-жой учун кафел ишлаб чиқариш, те-



рини қайта ишлаш, экспортбоп пойабзал, уяли телефон ва ҳайвонлар учун озуқа тайёрлашга ихтисослашган мажмуага ҳисобидан 26 млн. АҚШ доллари ажратилган бўлса, “Туронбанк” АТБ томонидан 21 млн. АҚШ долларидан ортиқ молиявий кўмак берилди. Корхонада аёллар чарм маҳсулотларининг 10 хилдан ортиқ турлари хотин-қизларимиз учун мақбул

нархларда чиқарилмоқда. Йилига 10 млн. кв.метрда ишлаб чиқариладиган карфеллар эса, ташқи бозорларнинг нуфузли савдо майдонларидаги пештахталарида харидортириш бўлмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, банк томонидан кўрсатилган сифатли хизматлар натижасида иш бошлаган корхонада айни пайт 1,5 мингдан ортиқ аҳоли меҳнат қилмоқда.

– Ўзбекистон ва Хитой давлатлари ўртасидаги дўстлик алоқалари самарали лойиҳаларни амалга оширишга туртки бўлмоқда. Мамлакатда яратилган жозибador инвестицион муҳит эса, бизга муваффақиятли меҳнат қилишда кўмак берапти. Бугунги ютуқларимизда “Туронбанк” АТБнинг муносиб ўрни бор деб ҳисоблайман. Уларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида

биз ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ишга туширяпмиз. Хусусан, 150 гектар майдонда Хитой технологияси асосида томчилатиб суғориш тизimini яратдик. Банк билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда декоратив панеллар тайёрлашни ҳам йўлга қўйишни режалаштиряпмиз, – дейди кўшма корхона Бош директори ВАНГ СИНГХЕ.

Яна шуни қўшимча қилиш керакки, корхонага қулайлик яратиш мақсадида “Туронбанк” АТБ томонидан банк хизматлари кўрсатиш маркази ҳам ишга туширилди. Натижада мижозлар уларнинг барча турларидан тезкор ва сифатли фойдаланишлари учун имконият яратилди. Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар ҳисобларини юришти, лизинг амалиётларини расмийлаштириш ва кредитлар бўйича белгиланган тартибда мониторинг ўтказиш, хорижий валютада халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, пластик карточкалар ва консалтинг хизматларини кўрсатиш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Мухтасар қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва қулай инвестиция муҳитини яратишда муносиб иштирок этиш “Туронбанк” АТБнинг ўз олдига қўйган асосий мақсадларидан биридир.

Халқимизда илм ўрганишни игна билан қудуқ қазишга қиёслашди. Айниқса, бу илм халқ фаровонлигига хизмат қилиб, давлат ривожига ҳисса қўшса нур устига аъло нур. Мамлакатимиз иқтисодий ривожланишида янги инновацион ғоялар, янги кашфиётлар яратиш янада долзарбдир.

Олимлар, илмий тадқиқотчилар бу йўналишда заҳматли иш олиб боришади. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида ҳам тингловчиларга сабоқлар бериш билан бирга илмий салоҳиятли кадрлар ҳам тайёрланади.

Яқинда Академиянинг "Солиқлар ва солиққа тортиш" кафедрасининг аъзоси Сарвар Ғиёсовнинг жуда муҳим илмий изланишлари ўз нати-

ОЛИМЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



жасини берди. Унинг "Қорхоналарнинг инновацион-инвестицион фаолиятини тартибга солишда солиқ имтиёзларини такомиллаштириш" мавзусидаги докторлик диссертацияси Илмий кенгашда 100 фоиз

овоз билан муваффақиятли ҳимоя қилинди.

Сарвар Ғиёсов томонидан диссертация ўз вақтида 2017-2019 йиллар ичида ёзиб тугалланди. Диссертациянинг вақтида ҳимоя қилинишида устозларнинг ҳам ўрни бекиёс.

Иқтисодиёт фанлари доктори Ислоҳ Ниёзметов шогирди Сарварнинг шу даражага етишига катта хизматлари бор. Устоз кўрсатган йўлдан юрган, унинг кўрсатмаларига амал қилган шогирд Иқтисод фанлари доктори (phd) унвонига сазовор бўлди. Бу академияда устоз-шогирд тизимининг яхши йўлга қўйилганини ҳам кўрсатади.

Реклама



СИЗНИНГ БИЗНЕСИНГИЗ УЧУН МОБИЛ ЕЧИМЛАР

Ҳисоб ҳақидаги маълумотлар

Ҳужжатларни бошқариш

МБ маълумотномалари

Филиаллар ва мини-банкларнинг жойлашуви

Ҳисобот олиш

Экранга чиқувчи билдиришномалар

Банк янгиликлари

Автоматик рақамлаш билан тулов топширикномаларини юбориш



InfinBANK'дан mobile-banking - бепул, тез ва қулай!

71 202-50-60



Хизматлар лицензияланган

ҚАДИМ ВА НАВҚИРОН ХОРАЗМГА САЁҲАТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор муассаса, ўқув юртлари, таълим масканлари мутасаддилари ўз меҳнат жамоасини уюштириб, юртимизнинг қадимий ва навқирон шаҳарларига туристик саёҳатлар ташкил қилмоқда.



Мамлакатимизда қадимий шаҳарлар буюқ тарихимиздан сўзлайди, "мозийга қайтиб иш кўришдек" мулоҳазакорликка ундайди. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси жамоаси ҳам бу жойларнинг маънавий ва тарбиявий аҳамияти туфайли Хоразм воҳасига саёҳат қилди.


Ўттизга яқин профессор-ўқитувчи ва ходимлардан иборат гуруҳ Хоразм вилоятининг диққатга сазовор жойларида бўлишди. Саёҳат давомида қадимий Хива шаҳрининг обидалари, зиёратгоҳларини томоша қилишди. Шунингдек, мустақиллик йилларида янги қиёфа кашф этган вилоятнинг маркази Урганч шаҳри билан танишишди.

Халқимиздаги юрган дарё деган нақлга кўра йўл юриш, янги жойларни кўриш кишига ўзгача завқ-шавқ бахш этади. Рухиятида бир покланиш, кўтаринкилик сезилади. Хоразм сафари ҳам шундай қайфиятлар ҳада қилди.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси матбуот хизмати

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН САРМОЯ МУҲИММИ Ё ТЕХНОЛОГИЯ?!..

Ҳозирги кунда кичик бизнесни рақамлаштириш учун сармоядан фойдаланиш оддий ҳолдир. "Бугун бу муаммо келтириб чиқариши мумкин деб ўйламайман... Ҳозирда технология унчалик қиммат эмас," – деди Innovation Summit Barcelona доирасида бўлиб ўтган йўналишда Caixa Bankнинг кичик ва ўрта корхоналарни рақамлаштириш бўйича корпоратив директори Хавьер Гарсия Луис.



Испаниянинг яна бошқа бир фирмаси, Cyberclick Бош директори Дэвид Томас сармояга эга бўлиш мураккаб эмаслигини қайд этди. "Технологиялар илгаригидек қиммат эмаслиги билан боғлиқ фикрга қўшиламан", – деди у.

Бироқ муаммолар ҳам

йўқ эмас. City Sprint 2018 йил учун тайёрлаган Collaborate U.K. ҳисоботида кўра, 79 фоиз кичик ва ўрта бизнес вакиллари технологик инновацияларга сармоя киритиш муҳимлигини қайд этган бўлса-да, аслида уларнинг 25 фоизигина ўз маблағларининг 10 фоизи-

дан кам бўлган қисмини янги технологияга сарфлаган.

"Технология бугун нархи қимматлиги боис эмас, балки ундан фойдаланишни билмаслик туфайли талаб пасайган", – IBMнинг Испания, Греция, Португалия ва Исроил бўйича рақамли технологиялар бўйича директори Беатрис Ремон.

IDC таҳлилий компанияси маълумотида кўра, 2017 йилдан 2022 йилга қадар технология ва бизнеснинг рақамли трансформацияси учун зарур хизматларга сарфланган харажатлар ўрта ҳисобда 16,7 фоиз ортади ва ҳисобот даврининг охирига бориб 2 триллион АҚШ доллари етиши мумкин.

Мутахассислар фикрига кўра, 2020 йилга бориб дунёнинг энг йирик 2 мингдан ортиқ оммавий компанияларининг 30 фоизига рақамлаштириш дастури доирасида йиллик тушумнинг камида 10 фоизи миқдориди молиялаштирилиши кутилмоқда.

Бу олам ажойиботларга тўла, уларнинг айримлари ҳукумат топшириғига асосан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда бундай ажойиботлар ақл чегарасидан чиқиб кетадиган даражада бўлса, яна бошқалари ҳақиқатан ҳам фойда келтиради. Масалан, Қатарда ҳукумат хоҳиши билан асфальтларни мовий рангга бўяш ишлари бажарилди. Бу амалнинг сабаби нимадалигини билиш вақти келди.

ҚАТАРДА АСФАЛЬТЛАР НЕГА МОВИЙ РАНГДА?



Асфальтни мовий рангга бўяш – бу асло Қатар ҳукуматининг коррупцион амалиёти эмас, балки жаҳоннинг барча йирик шаҳарларида амалга оширилиши мумкин бўлган тажриба сифатида қаралмоқда. Асфальт қуёш остида кучли қизиб кетишини барчамиз биламиз. Бу қизиш қора асфальтда янаям кучли намоён бўлади. Ўрта ҳисобда асфальт қопламасининг ҳарорати атроф-муҳитга нисбатан 20-25 градусга баланд бўлиши кузатилади.

Бу эса бир неча сабаблар бўйича муаммоларни юзага келтиради. Биринчидан, жазираманинг ўзи соғлиққа зарар. Иккинчидан, доимий тараладиган қуёш нури таъсирида қизиган асфальт ўз хусусиятини йўқотади ва автомобиллар учун хавф туғдириши мумкин. Йўл бўйидаги яшил ўсимликлар бу муаммони қисман ҳал қилгандек бўлади. Бироқ дарахтлар экилмаган жойларда асфальтлар кунига 50 градус иссиқликка қадар қизиб кетиши кузатилади.

Қатарда айнан бу муаммони мовий рангли бўёқ ёрдамида ҳал этишга ҳаракат қилишмоқда. Лойиҳа муҳандис Саад Ал-Досери томонидан таклиф этилди. Бугунги кунда тажриба тариқасида бўялмоқда. Бунинг учун ҳозирча Доха шаҳридаги Абдулла ибн Жасем номли кўча танлаб олинган. Йўллар мовий рангга. Йўл қатлами 1,5 йил давомида мониторинг қилинади. Агарда мазкур технология ернинг ҳароратини бироз бўлса-да пасайтурса, бутун мамлакат бўйлаб қўллаш ишлари бошланади.

ЕР ЮЗИДАГИ ЭНГ ХАВФСИЗ ЖОЙЛАР АНИҚЛАНДИ

Тунлари эшикни ёпмасдан, велосипедларни қулфламасдан дам олиш ва ҳовлида ўйнаб юрган фарзандларингиз учун кўрқмаслик қанчалик ёқимли. Дунёнинг бу борада энг хавфсиз худуди Фаррера ороли эканлиги аниқланди. Бундай хулосага жазони ижро этиш муассасаларидаги маҳкумлар сонига таяниб келиш мумкин.

Бугунги кунда Фаррера оролидаги қамоқхонада олти нафар маҳкум бор. 100 минг аҳоли жонбошига 19 нафар инсон жазони ўтамоқда. Солиштириш учун: Россияда 100 минг аҳоли жонбошига 386 нафар, АҚШда эса 655 нафар жазоланувчи тўғри келади. Фаррера ороли – Дания Қироллигининг автоном вилояти ҳисобланади. Орол Атлантик океанида, Шотландия ва Исландия ўртасида жойлашган.

1948 йилдан буён вилоят деярли барча масаларни ўзи ҳал этади. Дания фақатгина адлия, ички ишлар, муҳофа ва Фаррера валюта тизимлари учун масъулдир. Оролда 48 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади ва улар ажойиб манзарали жойда яшамади. У ер – "дунёнинг бир чеккаси", шаршаралар, туманлар ва яшил филлар бор, атрофи эса океан билан ўралган.

Тўлқини кучли оролда дунёнинг нариги бурчагидан ҳам сайёҳлар ташриф буюради. Фаррера ороли – албатта бориш керак бўлган гўзал маскан. Табиати ажойиблигидан ташқари жиноят деярли учрамайди. Ахир, тўғри-да, шунчалик кам сонли аҳоли яшайдиган ҳудудда ким ҳам табиатни ёки қариндошларига нисбатан ёмонлик, ўғрилиқни раво кўрарди?!..

HYUNDAIдан учувчи такси



Hyundai компанияси Urban Air Mobility Division бўлинмасини ташкил этиб, шаҳар бўйлаб учувчи мосламаларни ишлаб чиқаришга эришмоқда.

Ҳаво транспорт воситасини ишлаб чиқиш билан махсус бўлинма шуғулланади. Лойиҳани молиялаштириш ҳажми ҳозирча номаълум. Аввалроқ, компания маълум қилганидек, замонавий айтомобиль ишлаб чиқишга доир лойиҳалар 2019 йилда 2,4 триллион Жанубий Корея вон (2 миллиард АҚШ доллари)лик сармоя орқали қўллаб-қувватланиши керак эди. Бу эса 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан тўрт карра кўпдир.

Бўлинмага NASAда 30 йилдан буён авиацион тадқиқот билан машғул бўлган мутахассис Шин Чжэвон раҳбарлик қиладиган бўлди. Бўлинманинг асосий вазифаси шаҳар бўйлаб қатнайидиган ҳаво транспортини ишлаб чиқарувчи компаниялар ўртасида энг етакчисига айланишдан иборат. Hyundai башоратига кўра, яқин 20 йил ичида мазкур бозор ҳажми 1,5 триллион АҚШ доллари етиши мумкин. Лойиҳага кўра дунёнинг йирик шаҳарларидаги йўлларда кузатилаётган тирбандликни бартараф этиш талаб этилади.

Hyundai компанияси бу соҳада фаолият юритаётган – Uber, Airbus ва Boeing сингари компаниялар билан рақобатга киришишига тўғри келади. Uber ҳам, Boeing ҳам келаси йилда аэротаксини ишга туширишга ваъда берган. Бироқ Hyundai ҳам, бошқа компаниялар ҳам унчалик кичик ҳажмда бўлмаган қувватлагичларнинг мавжуд эмаслигини инобатга олиши керак бўлади.

Frost&Sullivan консалтинг компанияси тадқиқотларига кўра, 2025 йилга бориб камида 15 та компания ўзининг учувчи мосламасини ишлаб чиқаради, 2050 йилга бориб эса йўловчиларни ташиш хизматини йўлга қўйган компаниялар сони ортиши мумкин.

Учувчи автомобиллар технологияси ҳаво транспортини қўллаш соҳасини сезиларли даражада кенгайтиради, жумладан, ҳаво таксилари, учувчи автомобилларнинг ижараси, оғир беморларни ташиш ва аҳоли яшаш жойларида хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Хусусан, Uber компанияси 2025-2035 йиллар давомида учувчи таксилар паркни ишга тушириш ниятида бўлиб, бунинг учун 400 миллиондан 1 миллиард АҚШ доллари гача бўлган маблағни йўналтириш режалаштирган.

2020 йилда АҚШда президент сайлови бўлиб ўтади. Ҳозирда президентликка номзодлар сайлов компаниясига тайёргарлик кўрмоқда, деб хабар беради vestifinance.ru.

Сайловда АҚШнинг амалдаги Президенти Доналд Трампнинг номзоди ҳам бор. Forbes журнали президентликка номзодларнинг молиявий ҳолати ҳақида маълумот берди. Булардан Доналд Трампнинг маблағи 3 миллиард доллардан ошган. Унинг молиявий аҳволи барча номзодларникидан юқори даражада деб баҳоланмоқда.

Журнал бадавлат номзодларнинг қуйидаги маълумотларини эълон қилди:

1. Доналд Трамп \$3.1млрд. маблағ соҳиби. Доналд Трамп Америка давлат арбоби, сиёсатчи, тadbиркор бўлиб, 2017 йилдан бери



Америка Қушма Штатлари президенти. У собиқ тadbиркор (кўчмас мулк соҳасида), шоумен ва телебошловчи бўлган.

Трамп Оқ уйга киришдан олдин бошқа ҳукумат ва ҳарбий ла-

возимни эгалламаган АҚШнинг биринчи президенти. Бундан ташқари у президент лавозимини эгаллаган энг бой одам.

2. Том Стейер 1.6 миллиард АҚШ доллари соҳиби. Томас Стейер-а-

рикалик миллиардер, филлантроп ва сиёсатчи.

3. Джон Деланининг сармоёси 200 миллион АҚШ доллари. Джон Делани – сиёсатчи ва бизнесмен. У 1993 йилда соғлиқни сақлаш молиявий компаниянинг (HCFP) асосчиларидан бўлган.

4. Майкл Беннетнинг сармоёси 15 миллион АҚШ доллари. Майкл Беннет-америкалик сиёсатчи, Колорадо АҚШ сенатори, Демократик партия аъзоси. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида туғилган.

5. Элизабет Уоррен сармоёси 12 миллион АҚШ доллари. Элизабет Уоррен-америкалик сиёсатчи, 2013 йилдан бери Массачусетс штатидан сайланган сенатор. Демократик партия аъзоси.

6. Джо Байденнинг сармоёси 9 миллион АҚШ доллари. Джо Байден-америкалик сиёсатчи, демократик партия аъзоси.

Бой одамлар дунёнинг исталган жойида яшашга қодир. Бироқ, Ердаги миллиардерларнинг тўртдан уч қисми, яъни 72 фоизи яна ҳам аниқроғи, 265490 киши атиги 10 та мамлакатда яшайди, дея хабар беради vestifinance.ru.

ДУНЁ МИЛЛИАРДЕРЛАРИ АСОСАН ЎН МАМЛАКАТДА ЯШАЙДИ



Бу ҳақда Wealth-X "2019 World Ultra Wealth Report" нашрида уларнинг рейтинг натижалари қайд этиб ўтилган.

1. АҚШ

Бой фуқаролар сони 81 340 та. Уларнинг умумий бойлиги: 9,84 трлн. АҚШ доллари.

Гарчи бу мамлакат аҳолиси жаҳоннинг умумий сонининг атиги 4.5% бўлишига қарамай, улар дунёдаги жами бойликнинг 40% га эгаллик қилишади.

АҚШдаги энг бой одам – бу бизнесмен Джеф Безосдир

2. Хитой

Бой аҳолининг сони 24 965 нафар ва уларнинг умумий бойлиги: 3,76 трлн. АҚШ доллари.

Хитойнинг энг бой одами-Ванг Жианлин.

3. Япония

Бой яшовчилар сони 17 855 та ва уларнинг умумий бойлиги 1,6 трлн. АҚШ доллари.

Катта иқтисодий куч сифатида Япония номинал ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда учинчи ва харид қобилияти паритети бўйича ҳисобланган ялпи ички маҳсулот бўйича тўртинчи ўринни эгаллайди. Япония тўртинчи йирик экспортчи ва олтинчи йирик импортёрдир.

4. Германия

Бой аҳолининг сони 15 685 нафар бўлиб, уларнинг умумий бойлиги: 1,85 трлн. АҚШ доллари.

5. Канада

Бой аҳолининг сони 10 395 та, уларнинг умумий бойлиги 1,05 трлн. АҚШ доллари.

Технологик ва саноат жиҳатидан ривожланган давлат бўлган Канада бой табиий захиралар ва савдосотиққа асосланган кўп тармоқли иқтисодиётга эга.


6. Франция

Бой аҳолининг сони 10 045 та, уларнинг умумий бойлиги 1,05 трлн. АҚШ доллари.

Ундан кейинги ўринларда: еттинчи Буюк Британия бўлиб, бой аҳолининг сони 9,575 та, уларнинг умумий бойлиги 1,01 трлн. АҚШ доллариди. Саккизинчи ўринда Гонконг. Унинг бой аҳолисининг сони 8950 киши ва уларнинг умумий бойлиги 1,18 трлн. АҚШ доллари. Тўққизинчи эса италияликлардир. Бой аҳолининг сони 6,270 та ва уларнинг умумий бойлиги 708 миллиард АҚШ доллари тенг. Охириги ўнинчи ўринда Швейцария бўлиб, унинг бой аҳоли сони 6,145 та бўлиб, уларнинг умумий маблағи 808 млрд. АҚШ доллари тенг.

ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТ РЕЙТИНГИ

Вестифинансе.ру сайти маълумотига кўра, Швейцариянинг Халқаро бошқарувни ривожлантириш институтининг бизнес мактаби томонидан 63 та мамлакатнинг билим, технология салоҳияти бўйича рейтингни тузилди.



Унга кўра, 50 та мезонлар асосида давлатларнинг келажакка тайёргарлик даражаси аниқланди. Қуйида 10 етакчи давлатларнинг рейтингини келтириб ўтамыз.

Биринчи ўринда сўзсиз АҚШ бўлиб, бу давлат номинал ЯИМ бўйича дунёда биринчи ўринни, ялпи ички маҳсулот бўйича иккинчи ўринни эгаллайди.

АҚШ дунёда илмий тadbиротлар ва технологик инновациялар соҳасида етакчи ҳисобланади. Америка илм-фани ва технологияси жаҳон телекоммуникация ва ахборот технологияларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Шахсий компьютерларнинг энг йирик ишлаб чиқарувчилари IBM ва APPLE, операцион тизимлар ва офис дастурлари – Microsoft, Google ва Yahoo қидирув дастурлари бундан ташқари, Америкада яратилган энг йирик ижтимоий тармоқлар MySpace, Facebook, Twitter АҚШда пайдо бўлди.

Сингапур давлати 2-ўринни эгаллади. Сингапур кўп тармоқли компаниялар томонидан муҳим рол ўйнайдиган бозор иқтисодиёти ва паст даражадаги солиққа асосланган мамлакатдир. Унинг иқтисодиёти электроника, ахборот технологиялари, фармацевтика соҳасидаги экспортга асосланган.

Учинчи ўринда эса Швеция мамлакати. Швеция олимлари жаҳон илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган. Ҳозирда Швецияда илмий-tadbирот ишлари асосан университет ва институтларда ўтказилади ва улар давлат томонидан молиялаштирилади. Етакчи университетлар таркибига Уппсала, Стокгольм, Лунд, Каролин институти киради. Университетларда илмий tadbирот харажатларининг энг катта қисми тиббиётга (25%), технологик ривожланишга (22%), табиий фанларга (19%), ижтимоий фанларга (11%), гуманитар фанларга (6%) сарфланади.

Дания давлати рейтингнинг 4-ўринини эгаллади. Дания мамлакати фуқароларнинг компьютер билан таъминлангани бўйича жаҳон рекордини янгиледи.

Дания ҳукумати энг янги технологик ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлайди.

Швейцария бешинчи ўринни эгаллади. Швейцария дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бири бўлиб, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот бўйича олдинги ўринларда туради.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ЯТТлар банк
ҳисобрақамини
он-лайн тарзда
очиши мумкин

Энди яқка тартибдаги тadbirkорлар ҳам он-лайн тарзда банк ҳисобрақамини очиш имконига эга!



Аввал ушбу қулайлик фақатгина юридик шахслар учун мавжуд бўлган.

Фирма очгандан сўнг ёки яқка тартибдаги тadbirkор сифатида рўйхатдан ўтгач, ихтиёрига қўра банкни танлашингиз, сўнгра 5 дақиқа ичида банк ҳисобрақамини очишингиз мумкин.

Бунинг 2 усули бор:

— Давлат хизматлари марказларига ташриф буюрган ҳолда;

— электрон тарзда

fo.birdagcha.uz сайти орқали.

Бугунги кунда ДХМ ёки он-лайн форматда мамлакатимизда фаолият юритаётган 27 та банк орқали ҳисобрақамини очишингиз мумкин.

“Яшил”
иқтисодиётга
ўтиш стратегияси
тасдиқланди

Президент қарори (ПҚ-4477-сон, 04.10.2019 й.) билан 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди.

“Яшил” иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдан иборат.

Бунга технологияларни модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали эришилади.

Стратегияни амалга ошириш натижасида иссиқхона газларининг ялли ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмалари 2010 йилдагига нисбатан 10 фоизга қисқартирилади.

Шунингдек, 100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари замонавий арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминланади.

Бундан ташқари, экологик жиҳатдан яхшилланган мотор ёқилғиси ва автомобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш кенгайтирилади, электр транспорти ривожлантирилади.

finance.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 25 СЎМЛИК ВА УНДАН КИЧИК НОМИНАЛ ҚИЙМАТДАГИ ТАНГАЛАРИ ВА БАНКНОТЛАРИНИ МУОМАЛАДАН ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 сентябрда 3183-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/3-сон

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 25 сўмлик ва ундан кичик номинал қийматдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тарти-

би тўғрисидаги низоом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 10 августдаги 18/3-сон қарорига
ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 25 СЎМЛИК ВА УНДАН КИЧИК НОМИНАЛ ҚИЙМАТДАГИ ТАНГАЛАРИ ВА БАНКНОТЛАРИНИ МУОМАЛАДАН ҚАЙТАРИБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Мазкур Низоом Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) 25 сўмлик ва ундан кичик номиналдаги тангалари ва банкнотларини муомаладан қайтариб олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низоомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

эски намунадаги тангалар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1994 йил намунасидаги 1 тийинлик, 3 тийинлик, 5 тийинлик, 10 тийинлик, 20 тийинлик, 50 тийинлик, 1997 йил намунасидаги 1 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик, 2000 йил намунасидаги 1 сўмлик, 10 сўмлик, 2001 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик номинал қийматдаги тангалар;

эски намунадаги банкнотлар — Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган 1994 йил намунасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик номинал қийматдаги банкнотлар.

2. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар 2020 йил 1 мартдан бошлаб қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотди.

Муомаладан қайтариб олинадиган эски намунадаги тангалар ва банкнотларнинг айирбошлаш муддати 2021 йил 1 январгача белгиланади.

2-боб. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларни муомаладан қайтариб олиш

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари (бундан буён матнда МБББ деб юритилади) Ҳисоб-китоб касса марказлари, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари миждозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангалар ва банкнотларни 2020 йил 1 мартга қадар алмаштириб беради.

4. 2020 йил 1 мартдан бошлаб (2020 йил 1 мартдан — 2021 йил 1 январга қадар) қонуний тўлов воситаси сифатида ўз кучини йўқотган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар фақат МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан алмаштириб берилади.

5. Тижорат банклари ва уларнинг филиалларида эски намунадаги тангалар ва банкнотларни санаб-саралаш, қимматликларни ташиш ишлари Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқнома (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь) талабларига мувофиқ амалга оширилади.

6. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари,

тижорат банклари ва уларнинг филиалларида мавжуд бўлган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар қуйидагича шакллантирилади:

Марказий банкнинг 1994 йил намунасидаги 1 тийинлик, 3 тийинлик, 5 тийинлик, 10 тийинлик, 20 тийинлик, 50 тийинлик тангалари, алоҳида, ҳар бирида 100 дондан солинган қопларда;

Марказий банкнинг 1997 йил намунасидаги 1 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 1999 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик, 2000 йил намунасидаги 1 сўмлик, 10 сўмлик, 2001 йил намунасидаги 5 сўмлик, 10 сўмлик тангалари, алоҳида, ҳар бирида 1000 дондан солинган қопларда;

Марказий банкнинг 1994 йил намунасидаги 1 сўмлик, 3 сўмлик, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 25 сўмлик банкнотлари қийматига қараб 100 дондан дасталаб, 10 та дастадан иборат бўлган боғламларда шакллантирилади.

7. Қиймати ва тоифалари бўйича тўлиқ шакллантирилган тангалар қоплар ва тўлиқ боғламдаги банкнотлар тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан инкассация хизмати орқали Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатилади.

8. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар тўлов воситаси бўлиб ҳисобланиши бўйича белгиланган муддат тугганидан сўнг тижорат банклари ва уларнинг филиалларида тўлиқ бўлмаган ҳолда шакллантирилган боғламлар ҳам МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларига жўнатилиши лозим.

9. МБББ Ҳисоб-китоб касса марказига тижорат банклари ва уларнинг филиалларидан олиб келинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар тўлиқ қайта саналади.

Қайта санаб жарағида аниқланган камомад ва ортиқча қўйилмалар бўйича далолатнома тузилади ва расмийлаштирилади.

МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларида эски намунадаги тангалар ва банкнотлар қиймати бўйича алоҳида дасталаниб ҳамда тўлиқ боғламлар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг инкассация хизмати орқали Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига олиб келиб топширилади.

10. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларнинг айирбошлаш муддати тугганидан сўнг 1 ой муддат ичида МБББ Ҳисоб-китоб касса марказларидаги барча эски намунадаги танга ва банкнотлар Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб касса марказига юборилиши шарт.

3-боб. Банклар томонидан қабул қилинган эски намунадаги тангалар ва банкнотлар бўйича Ҳисоб-китобларни амалга ошириш

11. Белгиланган муддатга қадар МБББ Ҳисоб-китоб касса марказлари 2021 йил 1 ян-

варгача, барча тижорат банклари ва уларнинг филиаллари 2020 йил 1 мартгача миждозлар, шу жумладан аҳоли томонидан топширилган эски намунадаги тангалар ва банкнотларни ҳеч қандай монеликсиз, чекловларсиз қабул қилишлари ва ҳеч қандай тўлов ёки воситачилик ҳақи ундирилмаган ҳолда улар бўйича Ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

12. Марказий банкнинг эски намунадаги тангалари ва банкнотлари бўйича Ҳисоб-китоблар миждозлар ва аҳолининг талабига асосан:

банк пластик картаси ҳисобварақларига кириш қилиниш орқали (тўлиқ қийматда);

муомаладаги танга ва банкнотларга айирбошлаб бериш орқали;

миждозларнинг тегишли ҳисобварақларига, фуқароларнинг аризасига асосан омонатга кириш қилиш орқали;

коммунал ва бошқа бир марталик тўловлар учун қабул қилиш орқали амалга оширилади.

13. Эски намунадаги тангалар ва банкнотлар нақд кўринишда айирбошлаб берилганда эски намунадаги тангалар ва банкнотлар миқдорининг 1 тийиндан 49 сўм 99 тийингача бўлган қисми, нақд пулдаги тўловлар учун энг кичик қийматдаги пул белгиси 2018 йил намунасидаги 50 сўмлик танга бўлиб қолаётганлиги боис, яхлитланган ҳолда айирбошланади. Бунда:

1 тийиндан 24 сўм 99 тийингача бўлган тангалар ва банкнотлар қиймати 0 сўмга тенглаштирилган ҳолда;

25 сўмдан 49 сўм 99 тийингача бўлган тангалар ва банкнотлар қиймати 50 сўмга тенглаштирилган ҳолда яхлитланади.

(Мисол учун: 257 (257-250=7)≈250 сўм, 474 (474-450=24)≈450 сўм, 376 (376-350=26)≈400 сўм, 586 (586-550=36)≈600 сўм)

Эски намунадаги тангалар ва банкнотларни яхлитланганидан қисми бўйича норози бўлган миждозлар ва аҳоли ушбу миқдорни банк пластик картасига, тегишли ҳисобварақларига ёки тўловларга (коммунал ва бошқа) ўтказишлари мумкин.

14. Эски намунадаги тангалар ва банкнотларни айирбошлаш натижасида вужудга келадиган фарқлар банкнинг бошқа активлари ёки мажбуриятларининг алоҳида ҳисобварақларида ҳисобга олинади.

4-боб. Яқуний қоидалар

15. МБББ эски намунадаги тангалар ва банкнотларни айирбошлаб бериш учун ҳудудлардаги тижорат банклари ва уларнинг филиалларини етарли миқдордаги муомаладаги тангалар ёки банкнотлар билан таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

16. Мазкур Низоом талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 30
августда 2093-11-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги, "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 10 август,
18/7-сон

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 10 августдаги
18/7-сон қарорига
ИЛОВА

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 3-банддаги "белгилансин" деган сўз "белгиланади" деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 7-бандда:
биринчи хатбоши "муассислари" деган сўздан кейин "ёки иштирокчилари (акциядорлари)" деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"бошқа нобанк кредит ташкилотлари, бундан хорижий микрокредит ташкилотларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган микрокредит ташкилотларининг устав фондида иштирок этиши (акцияларига эгалик қилиши) ҳоллари мустасно";

куйдаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"иқтисодиёт соҳасидаги жиноят учун ёки бошқарув тартибига қарши жиноят учун олиб ташланмаган судланганликка эга бўлган шахслар (микрокредит ташкилоти устав фондининг 10 фоизи ва ундан кўп қисмига эгалик қилганда)."

3. 13-банднинг биринчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилсин:

"13. Лицензия олиш учун микрокредит ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг бир ойдан кечиктирмасдан Марказий банкка ёки унинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига куйида келтирилган зарур бўлган ҳужжатларни бевосита, почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида хабардор қилинган ҳолда тақдим этади:"

4. 14, 21-бандларнинг саккизинчи хатбошидаги ва 38-банднинг бешинчи хатбошидаги "ҳудудий бошқармасининг" деган сўзлар "ҳудудий бош бошқармасининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 16-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"16. Агар мазкур Низомнинг 13-бандида кўрсатилган ҳужжатлар Марказий банкнинг тегишли ҳудудий бош бошқармасига тақдим этилган бўлса, ҳудудий бош бошқарма уч кун муддат ичида ҳужжатлар тўпламини мазкур Низом талабларига мувофиқ тўлиқлигини ўрганиб чиқади, шундан кейин ушбу ҳужжатлар тўпламини мазкур Низомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳулоса билан бирга Марказий банкка юборади."

6. 22-банднинг тўртинчи хатбошидаги "ҳудудий бошқармасига" деган сўзлар "ҳудудий

бош бошқармасига" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 26-бандда:
биринчи хатбоши "қатнашса" деган сўздан кейин "ёки унинг устав фондида иштирок этса (акциядори бўлса)" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

"в" кичик банди "муассис бўлишига" деган сўزلардан кейин "ёки унинг устав фондида иштирок этишига (акциядори бўлишига)" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 27-банд "қатнашса" деган сўздан кейин "ёки унинг устав фондида иштирок этса (акциядори бўлса)" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

9. 32-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

"Микрокредит ташкилотининг чакана хизматлар маркази шаклидаги филиали унинг чакана хизматларни, шу жумладан нақдсиз шаклда микромолиявий хизматларни кўрсатадиган ҳамда ташкилот жойлашган ердан ташқарида ташкил этиладиган бўлинмасидир."

10. 33-банд "номланиши "филиал" сўзи" деган сўزلардан кейин "чакана хизматлар маркази шаклидаги филиал номланиши эса "чакана хизматлар маркази" сўзлари" деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11. 34-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:

"34. Микрокредит ташкилотининг филиали Марказий банкнинг олдиндан розилиги олингандан сўнг, чакана хизматлар маркази шаклидаги филиали эса у очилган кундан бошлаб ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни хабардор қилиш шarti билан қонун ҳужжатларига мувофиқ микрокредит ташкилотининг бошқарув органи қарорига бинаоан ташкил этилади ёки тугатилади."

12. Куйидаги мазмундаги 401-банд билан тўлдирилсин:

"401. Микрокредит ташкилоти чакана хизматлар маркази шаклидаги филиалини очганда, у очилган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкка куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

чакана хизматлар маркази очилганлиги тўғрисида хабарнома;

чакана хизматлар марказини ташкил этиш тўғрисидаги микрокредит ташкилоти бошқаруви олий органининг қарори."

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BANKLARIDA KAM
BAҲОЛИ ВА ТЕЗ ЭСКИРУВЧИ БУЮМЛАРНИНГ
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТЎҒРИСИДАГИ
ЙЎРИҚНОМАНИНГ 2-БАНДИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ
ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил 7 сентябрда 1496-1-сонли рақам билан
рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 11 июндаги 13/5-сон қарори

(рўйхат рақами 1496, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 28-29-сон, 214-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқноманинг 2-бандидаги "энг кам иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/5-сон

М. НУРМУРАТОВ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

ЛОМБАРДЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ
ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2019 йил 7 сентябрда 2933-3-сонли рақам билан
рўйхатдан ўтказилди

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон "Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017

йил 26 августдаги 21/8-сон қарори (рўйхат рақами 2933, 2017 йил 29 сентябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.09.2017 й., 10/17/2933/0036-сон) билан тасдиқланган Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низома иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/6-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги
21/6-сон қарорига
ИЛОВА

ЛОМБАРДЛАРДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 74-банднинг тўртинчи хатбошидаги "энг кам ойлик иш ҳақи" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 119-банднинг учинчи хатбошидаги "энг кам иш ҳақининг" деган сўзлар "базавий ҳисоблаш миқдорининг" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

МУЛОҲАЗА

“ХУШТАКБОЗЛАР”



Ушбу мақола инновацион ғоя билан бирор янгилик яратиб, узоқ вақт одамлар ёдида қолиш тўғрисидадир. Келинг, сўзимизни Сизга таниш одам тўғрисида бошлайлик.

Бенжаминнинг “Хуштак” деган ҳикоясини ўқиганмисиз? Ҳа, ўша АҚШ доллариди расми бор Бенжамин Франклинни айтаман. Нима, Бенжамин ёзувчи бўлмаган? Зўр асар ёзиш учун ёзувчи бўлиш шарт эмас. Шунчаки кўрган-билган ҳодисасини ифода қила берса бўлгани.

Бенжаминнинг дўстига мактуб-ҳикоя шаклида ёзилган ушбу асариди шундай дейилади:

“...Кичкина бола эдим. Туғилган кунимга ўртоқларим тўпланиб ярим чақа-ярим сент қилиб йиғиб пул совға қилишди. Росса хурсанд бўлдим. Ўртоқларим кетгач, ўша чақаларга бозордан ўзимга совға оламан деб кетаётсам йўлдан каттароқ бола чиқиб қолди. У хуштак чалаётган экан. Хуштагига махлиё бўлиб қолдим. Мен ундан хуштагини сотишни сўрадим. У пулингни ҳаммасини берсанг хуштагимни сотаман, деди. Мен рози бўлиб, ҳамма пулим эвазига ўша хуштакни сотиб олдим. Хурсанд бўлиб уйга келиб, хуштак чалавериб, ҳамманинг қулоғини батанг қилдим. Шунда қариндошларим хуштак сотган бола алдаганини, ўша пулларимга бунда хуштакдан йиғирмата беришини, берганда ҳам янгисидан беришини айтишди. Шунда менга алам қилиб, росса йиғлаганман...”

Қаранг, Бенжамин бечорани чув туширишибди. Бундай воқеа кўпчиликнинг бошидан ўтган бўлса керак. Ҳатто машҳур шоир Саъдийда ҳам бўлган. Ҳар ҳолда Саъдий болалигида бир фирибгар қўлидаги мева ширин туюлиб, қимматбахо узугини ечиб берворганини ёзган.

Мавзуга қайтсак, Бенжамин

ҳаётида шу воқеа катта ибрат мактабини ўтаганини ёзади. Воқеа қаттиқ таъсир қилганидан то умрини охиригача бемаъни, беҳуда ишлар билан шуғулланаётган ҳар бир одамга “Нима хуштак чалаёсанми?” дейдиган бўлади. Унинг наздида бекорчи одам хуштак чалаётган кимса бўлиб кўринади.

Асқатмаса, чиндан ҳам дунё “хуштакбоз”ларга тўлиб кетган. Шу тариқа дунёга Бенжаминнинг кўзойнаги билан қарасак – атрофимизда “хуштакбоз”лар бисёр, ҳатто жамиятга бир пуллик хизмат қилмаган, ҳеч қерда ишламайдиган, аёлини хорижга ишлашга юбориб, оёғини чалиштириб, хуштак чалиб ётган “хуштакбоз”ларга ҳам кўзимиз тушади. Лекин бундай «хуштакбозлар» тарих саҳнасида ўзининг номи тугул, абтар бўлиб, етти пуштидан нишон қолмайди, аслида. Ҳа агар, Бенжаминнинг кўзойнаги билан қарасак, айтарлик бирор нарса ҳал бўлмайдиган беҳуда вақт ўтказувчилар хуштакбоз бўлиб туюлади.

Чунки ҳар ким дунёга келиб, ўздан ном қолдирмаса, эртага одамлар “фалончи писмадон ишни бажариб кетган” деб эсламаса яшадан не маъни?! Балки исмигиз Абдулладир. Лекин бундан 100 ёки 200 йиллар аввал ҳам жуда кўп абдуллалар бор эди. Биров уларнинг бирортасини эслолмайди. Ваҳоланки, улар ҳам сизга ўхшаб яшаган, уларнинг ҳам сизнинг ташвишигизга ўхшаган ташвиши, рўзғори бор эди.

Шундай экан, бугунги янги инновацион ғоялар рағбатлантирилаётган доруломон замонда гарчи америка кашф қилмасангиз-да бирорта янги нарса билан тарихга кириш. Майли ғоянгиз, ихтироларингиз оддий, содда бўлсин. Токи одамлар Сизни узоқ вақт эслаб юришсин!..

Ш. ЖАББОР

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, “БАНК АХБОРОТНОМАСИ” ВА “БАНКОВСКИЕ ВЕСТИ” ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

Сиз газетига обуна бўлишга улгурмаган ёки қисқа муддатга обуна бўлган бўлсангиз, нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz орқали шартномани тўлдириб, тахририят манзилига юборишингиз мумкин.

“Ўзбекистон почтаси” ва “Матбуот тарқатувчи” агентлигининг ҳудудий бўлимлари орқали расмийлаштириш ёки фақат тахририят билан шартнома тузган хусусий ташкилотлар билан обунани ташкил этиш йил давомида газеталаримизни ўз вақтида олишингизни кафолатлайди.

ХУСУСИЙ ОБУНА АГЕНТЛИКЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Хоразм вилояти

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

Бухоро вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Жиззах вилояти

“МАТБУОТ TONGI” МЧЖ – (91-599-58-98)

Навоий вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (97-358-57-57)

Қашқадарё вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

Наманган вилояти

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (99-603-03-68)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (90-532-93-39)

Сирдарё вилояти

“СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” – (97-277-27-72)

Сурхондарё вилояти

“SURXON MATBUOT NASHRLARI” МЧЖ – (91-586-70-00)

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти

“KALEON INFORM” МЧЖ – (71-267-18-94)

“ЛИДЕР ПРЕСС” МЧЖ – (71-244-33-63)

“МАТБУОТ SERVIS” МЧЖ – (71-244-19-63)

“ТОШКЕНТ МАТБУОТ” – (97-156-22-77)

Самарқанд вилояти

“ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ” – (97-922-02-33)

Фарғона вилояти

“ФАЗО ИНФО” МЧЖ – (90-560-55-95)

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Банк, бизнес ва иқтисодиёт соҳаларига доир батафсил маълумотларни фақат бизнинг газетамиздан ўқиб мумкинлигини унутманг!

Обуна бўйича мурожаат учун

Тел.:

(998) 97 776 60 18
71 234 43 18

Факс:

(998) 71-234-43-18.

E-mail:

info@banknews.uz

ОБУНА

ИНДЕКСИ-102



БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

“Moliya yangiliklari agentligi” МЧЖ

Директор
Ўктам АБДУЛЛАЕВ

Бош мухаррир
Бобур МУҲАММАДИЕВ

Бош мухаррир ўринбосари
Умид ХУДОЙБЕРГАНОВА

Обуна ва реклама учун

Тел: 99897 776 60 18

71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмаги
ЎЗА, “Norma Hamkor” МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шахрисабз кўчаси,

23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,

www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: “Moliya yangiliklari agentligi”

МЧЖ

Газета тахририятининг техник ускуналарида

саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан “Банк ахборотномаси” да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлэмалар тахрир қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта – пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1003

Адади 1719 нусса

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 9.10.2019 й.,

1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.